

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА  
КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВЛАР :  
ИСТИҚБОЛЛАР, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР  
*(Республика масофавий илмий-амалий  
анжумани)*

БУХОРО, 2020 йил, 3-ноябрь

“Мактабгача таълимда компетенциявий ёндашувлар: истиқболлар, муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани илмий мақола ва тезислар тўплами (2020-йил, 3-ноябрь). Бухоро: 2020 йил.

**Бош муҳаррир:**

Педагогика фанлари номзоди, доцент Г.А.Камилова

**Тақризчилар:**

Аvezov С.С. – ф.ф.н, доц.

Тўхсанов Қ.Р. – ф.ф.н, доц.

**Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:**

М.Б.Шарипова – Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

Н.Н.Ҳамроева - Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

Ушбу Республика масофавий илмий-амалий анжуманининг илмий мақола ва тезислари тўпламида Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни, “Ўзбекистон Республикасида илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари”, “Илк қадам” Давлат ўқув дастури, шунингдек, мактабгача таълим тизимини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда белгиланган, соҳада амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш ва бу борадаги таклифларни ишлаб чиқиши бўйича илмий, амалий ва услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

*Мазкур тўпламга киритилган мақолалар ва тезисларнинг мазмуни, статистик маълумотлар ҳамда билдирилган фикр ва мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.*

**Бухоро - 2020 йил, 3-ноябрь**

## КИРИШ

### МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ-МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

*О.Х.Хамидов, БухДУ ректори, иқтисодиёт фанлари  
доктори, профессор*

Мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш, унга узлуксиз таълимнинг асосий босқичи сифатида қараш мамлакатимида устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Хусусан, 2017-йилнинг 30-августида Президентимизнинг ”Мактабгача таълим тизимини 2017-2021-йилларда янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу соҳада амалга ошириладиган ишлар концепсиясини белгилаб берди. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамол инсон сифатида шаклланишида жисмоний, ақлий ва ахлоқий тарбиянинг кенг кўламли педагогик жараёни кўрсатиб берилди. Бу эса, ушбу соҳадаги педагогларимиз олдига жуда катта масъулият ва вазифалар юкламоқда.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг: ”Яшашдан мақсадим нима?- деган саволга жавоб ҳам шу тарзда идрок этилади. Яхши тарбия топиб, ҳунар ва илм эгаллаб, Ватанга, халқига хизмат қилишдан ҳам ортиқ баҳт йўқ инсон фарзанди учун“, –деган доно фикрларида болаларни эрта ёшлик давридан ҳар томонлама баркамол, жисмонан бақувват ва кенг дунёқарашлилик руҳида тарбиялашни назарда тутганлари табиийдир. Юртбошимиз яна бир нутқларида ”Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Ва яна «Юқори малакали, замонавий фикрлайдиган одамларнинг етишмаслиги бизнинг олға силжишимизда ҳамон катта тўсиқ бўлиб турибди. Бундай кадрларни, авваламбор, ёш кадрларни топиш, ўстириш, эстетик тарбиялаш бугунги куннинг энг

долзарб масаласига айланмоқда», - деб жуда ўринли таъкидлаганлар.

Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг бошланғич кисми ҳисобланади. У боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб шакланишини таъминлаб, ўқишга бўлган иштиёқини уйғотиб, тизимли ўқитишига тайёрлаб боради. 6-7 ёшгача бўлган мактабгача таълим давлат ва нодавлат болалар мактабгача таълим муассасаларида ва оиласда амалга оширилади. Мактабгача таълимнинг мақсади – болаларни мактабдаги ўқишга тайёрлаш, болани соғлом, ривожланган, мустақил шахс қилиб шакллантириш, қобилиятларини очиб бериш, ўқишга, тизимли таълимга бўлган иштиёқини тарбиялашдир. Мактабгача таълим муассасасида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш мактабгача таълим муассасаси ҳамда штатдаги тиббиёт ходимлари, шунингдек, мактабгача таълим муассасасига бириктирилган соғлиқни сақлаш органларининг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади. Мактабгача таълим муассасасида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби ва қоидалари, мактабгача таълим муассасасига болаларни олиб келиш ва олиб кетиш қоидалари, мактабгача таълим муассасаси биноларида хавфсизликни ташкил этишга оид талаблар, мактабгача таълим муассасасида ёнғин хавфсизлигини ташкил этишга оид талаблар, худуд хавфсизлигига бўлган талаблар бир қатор қонуний хужжатлар билан тартибга солинади.

Бугунги кунда мактабгача таълим тизимида кадрлар салоҳиятини янада ошириш мақсадида республикамизда ўтган йилга нисбатан қабул квоталари бу соҳада 2,5 баравар ошди. Кундузги, сиртқи шаклларидан ташқари кечки ўқув шаклида ҳам талабалар қабул қилинди. Бундан ташқари, мамлакатимизда Россия давлат педагогика университетининг мактабгача таълим йўналиши филиалининг очилиши ҳам мазкур соҳадаги таърихий ўзгаришлардан биридир.

Бу борадаги дастлабки қадам Республикамиз президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2016 йилда қабул қилинган ПҚ-2707 – сон “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари бўлди. 2017 йил 30 сентябрда

“Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сон фармонига асосан республикамизда Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Барча вилоятларда мактабгача таълим бошқармалари ҳамда туман ва шаҳарларда мактабгача таълим бўлимлари фаолият бошлади. Мактабгача таълим вазирлигининг марказий аппаратига ва худудий бўлимларига тажрибали ва малакали мутахассислар жалб этилди. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сон “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан Мактабгача таълим вазирлигининг ташкилий тузулмаси белгиланди. Унинг таркибиغا давлат мактабгача таълим муассасалари, нодавлат мактабгача таълим муассасалари, туман, шаҳар мактабгача таълим бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари, Инфо тузулмани ривожлантириш бўйича инжинииринг компанияси, Тошкент шаҳридаги Пучон университети, “Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион марказ” МЧЖ, “Илк қадам”(ИҚ)журнали таҳририяти, Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш иниститути, Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси, Ихтисослаштирилган лойиха-планлаштириш институтлари киритилди. 138 нафардан иборат Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппарати шакллантирилди. Фармонда белгиланганидек, 2018-2019 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора- тадбирлар дастури белгиланди ва унинг бажарилиши босқичма-босқич амалга оширилди. Бу дастур жуда кенг қамровли бўлиб, қисқа муддатда мактабгача таълим соҳасида доир бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8-майдаги ПҚ-4312-сонли қарорига асосан “Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” ишлаб чиқилди. Ушбу концепция

республикамида ўрта ва узок муддатли истиқболдаги мактабгача таълимни ривожлантириш босқичларини белгилаб берди. Натижада республикамиз 2016 йилда мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасалариға қамраб олиш 30 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб республикамида яшовчи аҳолининг 2,5 миллиондан ортигини 3-7 ёшли болалар ташкил этиб, 3-7 ёшли болаларни қамраб олиш бўйича бу кўрсаткич 54 фоизни ташкил этди.

Хозирги кунда Республикаизда 13500 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмокда. Унда давлат, нодавлат ва оиласий мактабгача таълим муассасаси иш олиб бормоқда. Шундай бўлишига қарамай, давлатимизда болаларни қамраб олиш 40,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу еса ушбу соҳада янада кенг фаолият кўрсатишимиизни талаб этади.

Университетимизда ҳали уч йиллик фаолиятга эга бўлган мактабгача таълим кафедраси жамоаси мувафаққиятлари ҳам сезиларли бўлмоқда. Айсниқса, кафедра доценти, филология фанлари номзоди С.Авезовнинг "Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси" дарслиги Олий ва ўрта маҳсус вазирлиги томонидан тасдиқланиб, республикамиздаги барча олий таълимнинг мактабгача таълим йўналишларида ўқитилиб келинмоқда. Бундан ташқари, кафедра доценти, педагогика фанлари номзоди Г.Камилованинг "Мактабгача таълимда экология", кафедра катта ўқитувчиси М.Нигматованинг "Хусайн Воиз Кошифийнинг педагогик қарашлари" ўқув қўлланмалари ушбу соҳадаги ютуқлар саналади. Хусусан, кафедранинг ёш педагоглари илмий, илмий-усулий ва педагогик соҳада қувончли мувафаққиятларга эришмоқдалар.

Бугун ўтказилаётган "Мактабгача таълим соҳасида компетенциявий ёндашув: истиқболлар, муаммолар ва ечимлар" мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси бу соҳадаги истиқболли вазифаларимизни белгилаб олиш учун хизмат қилади, деган умиддамиз. Чунки компетенция-билим, кўникма, қарашлар, шахс қадрияти ва шахс сифатлари квалификациясининг номоён бўлиши ёки таъсир кўрсатиш қобилиятидир. Ана шундай юксак мақсад йўлида жамланган барча конференция иштирокчиларига

улкан-улкан мувафақият ва зафарлар ёр бўлишини тилайман.

## **MAKTABGACHA TA'LIM - JAMIYAT TARAQQIYOTINING POYDEVORI**

*Maktabgacha ta'lim katta o`qituvchisi M.T.Akramova*

**Annotatsiya:** Maktabgacha ta'lim butun jamiyatning asosi ekanligi ma'lum. Maqolada maktabgacha ta'limni rivojlantirish istiqbollari va muammolarni hal qilishga qaratilgan.

**Kalit so'zlar:** Tarbiyachi, bola, jamiyat taraqqiyot, qo'llanmalar, texnik vositalar, o'yinchoqlar.

**Аннотация:** Дошкольное образование, как известно, является основой всего общества. В статье рассматриваются перспективы и проблемы развития дошкольного образования.

**Ключевые слова:** воспитатель, ребенок, развитие сообщества, учебные пособия, техника, игрушки.

**Annotation:** Preschool education is known to be the foundation of the whole society. The article focuses on the prospects and challenges of developing preschool education.

**Key words:** educator, child, community development, teaching aids, technique, toys

Ta`lim-tarbiya jamiyat taraqqiyotining asosidir. Maktabgacha ta`lim muassasalari tarbiyachisi va uning ahloqiy sifatlarini takomillashtirib borish uchun xozirgi paytda qator ilmiy-metodik va pedagogik muammolarni, ya`ni tarbiyachilarning pedagogik mahoratlarini oshirish, yangi pedagogik va axborot texnologiyalarini yuqori darajada o`zlashtirganlik talab etiladi.

Hozirgi kunda maktabgacha ta`lim muassasalari tarbiyachisining ahloqiy sifatlaridan foydalanish muammosi ta`limning dastlabki bosqichlarida muxim ahamiyat kasb etadi. Bu muammoni xal etishda nafaqat maktabgacha ta`lim muassasasi, bolalar psixologiyasini yaxshi biladigan tarbiyachi psixologlar, balki mashg'ulotlar yordamida masalalar yechaladigan yetuk mutaxasislar kerak.

Shuning uchun mактабгача та`лим мұассасаларидаги тарбиячилар болаларнинг ijodiy fikrlashini, turli xолатларни tez ilg'ay olishini, atrof muhitni tasavvur eta olishini, intellektual rivojlanishini ta`minlashda muhim omil sanaladi.

Tarbiyachi maktabgacha yoshdagi bolalarning ta`lim va tarbiyasida o'yinlarining rolini to'liq anglay olishi lozim. Maktabgacha ta`lim bolani sog'lom, har tomonlama kamol topib shakllanishini ta`minlaydi, unda o'qishga intilish hissini uyg'otadi, uni muntazam ta`lim olishga tayyorlaydi. Maktabgacha ta`limda olti-etti yoshga yetgunicha davlat va nodavlat maktabgacha ta`lim bolalar muassasalarida hamda oilalarda amalga oshiriladi. Maktabgacha ta`lim maqsadi va vazifalarini ro'yobga chiqarishda mahallalar, jamoat va xayriya tashkilotlari, xalqaro fondlar faol ishtirok etadi. Maktabgacha ta`limni rivojlantirish uchun quyidagilarni amalga oshirish lozim bo'ladi:

- malakali tarbiyachi va pedagog kadrlarni ustuvor ravishda tayyorlash;
- maktabgacha ta`limning samarali pedagogik uslublarini izlash va joriy etish;
- bolalarni oilada tarbiyalashni tashkiliy, pedagogik va uslubiy jihatdan ta`minlash;
- zamonaviy o'quv-uslubiy qo'llanmalar, texnik vositalar, o'yinchoqlar va o'yinlar yaratish hamda ularni ishlab chiqarish;
- maktabgacha yoshdagi bolalarni xalqning boy madaniy-tarixiy merosi va umumbashariy qadriyatlar asosida ma`naviy-ahloqiy jihatdan tarbiyalash uchun shart-sharoitlar yaratish ;
- maktabgacha muassasalarning har xil turlari uchun turli variantlardagi dasturlarni tanlab olish,
- maktabgacha ta`limning barcha masalalari bo'yicha malakali maslahat xizmati ko'rsatish imkoniyatini yaratish;
- maktabgacha ta`lim va sog'lomlashtirish muassasalari tarmog'ini qo'llab- quvvatlash va rivojlantirish mexanizmini ishlab chiqishdan iboratdir.

XXI asrga kelib barkamol avlod ta`limoti ijtimoiy fanlarning dolzarb muammosiga aylandi. Kishilik jamiyat tarixiy taraqqiyotida komil inson, barkamol shaxs g'oyasi har bir davrda o'ziga hos mazmun, mohiyat kasb etgan.

Har bir xalq, millat, davlatning tarixiy taraqqiyoti ta`lim-tarbiya, ma`naviyat darajasiga bog'lik bo'lgan.

“Avesto”da “ezgu fikr, ezgu so’z, ezgu amal” komil inson mezoni sifatida talqin etiladi. Aziziddin Nasafiy “Bilgilki, komil inson deb, shariat va tariqatda va xaqiqatda yetuk bo'lgan odamlarga aytilar, bilgilki, komil inson shunday insondirkim, unda quyidagi to'rt narsa kamolotga yetgan bo'lsin: yaxshi fe'l, yaxshi so'z, yaxshi axloq va maorif”. Demak, komil inson barkamol shaxs premetida fan va din tarixan va mantiqan uzviy bog'liq rivojlangan.

Abu Nasr Farobiy “Fozil odamlar” fazilatlarini tahlil etsa, tasavvufda “inson o'ziligin bilishi Olloxni bilishi” komillik mezoni sifatida ifodalanadi.

Kadrlar tayyorlash modelida uzluksiz ta`lim tizimining barkamol avlodni shakllantirish imkoniyatlari vazifalari belgilab berildi. Maktabgacha ta`limning yangi konsepsiyasi yaratildi. Chunki xanuzgacha maktabgacha ta`lim va tarbiya deyilsa, Kadrlar tayyorlash milliy dasturi va Ta`lim to'g'risidagi Qonunda maktabgacha ta`lim uzluksiz ta`limning poydevori sifatida belgilandi. “Maktabgacha ta`lim vazifasi barkamol, sog'lom, har tomonlama kamol topib shakllanishini ta`minlaydi, bolalarda o'yinga, mehnatga, o'qishga intilish uyg'otadi, bolalarni maktabda ta`lim olishga tayyorlaydi.

Maktabgacha ta`limda bolalar olti-etti yoshga yetguncha davlat va nodavlat maktabgacha tarbiya bolalar muassasalarida xamda oilalarda tarbiyalanadi. Maktabgacha ta`lim maqsadi va vazifalarini ro'yobga chiqarishda mahallalar, jamoa xayriya tashkilotlari, halqaro fondlar faol ishtirop egadilar.

Demak, barkamol avlodni shakllantirishda maktabgacha ta`lim muhim o'rinn tutadi. Maktabgacha ta`lim tizimi bolaning dunyoqarashi shakllanishining muhim bo'g'ini, asosiy omildir.

Bolaning ongi asosan 5-7 yoshda shakllanishini inobatga oladigan bo'lsak, aynan shu davrda uning qalbida oiladagi muhit ta'sirida ma`naviyatning ilk kurtaklari namoyon bo'la boshlaydi. Halqimizning “Qush uyasida ko'rganini qiladi” degan dono maqoli, o'ylaymanki, mana shu azaliy haqiqatni yaqqol aks ettiradi.

Ta`limga yangi pedagogik texnologiyalarini tatbiq etishdan iborat. Mamlakatimizdagi pedagogika fanlarini o'qitishda ta`lim-tarbiya jarayoniga texnologiyani tadbik etishga jiddiy e`tibor qaratib, rivojlangan davlatlar darajasiga yetib olishdan iborat. Buning uchun, shu yo'naliш bo'yicha ilmiy-tatqiqot ishlarini rivojlantirish va respublikaning ilmiy salohiyatini ushbu yo'naliшga qaratish zarur deb takidlanadi.

Tarbiyachi mashg'ulotda bosh figura, bolalarda esa tarbiyachilarning topshiriqlarini, tushuntirishlarini, turli yangiliklarini qabul qilish darajalari xar xil hohish-istaklari turlicha. Agar tarbiyachi faqat tushuntirish bilan ovora bo'lsa bola mustaqil fikr yuritish mushohada qilish, xulosa chiqarishdan yiroqda bo'ladi.

Farzandlarimizning mustaqil va fikrlash qobiliyatiga ega bo'lgan ongli yashaydigan komil insonlar etib voyaga yetkazish, ta`lim-tarbiya soxasining asosiy maqsadi va vazifalaridir. Nutq o'stirish mashg'ulotlarida bolalar xalq qo'shiklari, erkalashlari, ovutishlari, maqollar va tez aytishlari, dostonu ertaklar, she`rlar orqali o'zi tug'ilib o'sgan vatanidan, uning xalqidan, milliy an`ana va bayramlaridan, urf-odatlaridan, qadriyatlaridan baxra olib, xalq qahramonlari singari jasur, paxlavon, uddaburon, aqlli, mexnatsevar bo'lishga intiladilar, orzu qiladilar. Masalan, o'g'il bolalar "Balli yigitlar", qiz bolalar esa "Jajji qizalok" ko'rik tanlovlardan o'z mahoratlarini ko'rsatadilar va bundan o'zlari xam behad mammun bo'ladilar.

Bu vazifalarni amalga oshirishda kompyuter texnologiyasining o'rni katta. Mashg'ulotlarda tarbiyachi kompyuter savodxonligini o'rgatish "Aqliy xujum", "Bumerang" va boshqa usullarni qo'llasa, o'tilgan mavzu bola yodida uzoq vaqt saqlanadi va yangi mavzuni o'zlashtirishni osonlashtiradi.

Maktabgacha tarbiya pedagogikasining ilmiy-nazariy asoslari va tarbiyaviy (jismonny aqliy, axloqiy, mexnat, estetik) jixatlari bo'yicha ko'pgina olimlari amaliyotchilar, pedagoglar o'z fikrlarini bayon etganlar.

Bu boroda vatandoshlarimizdan Abu Nasr Forobiy, Abu Ali ibn Sino, A.Navoiy, Al-Xorazmiy, shuningdek, xorij pedagoglaridan Ya.A.Komyonskiy, L.D.Ushinskiy, N.K.Krupskaya, L.S.Vo`godskiy, A.P.Usova, I.Ya.Lerner, M.N.Skatkin va boshqalarning ishlari e`tiborga loyiqdir.

Ma'lumki, o'zbek halqi azal-azaldan tijorat bilan shug'ullanib kelgan, butun o'zining donoligi, tadbirkorligi, mexnatsevarligi bilan nom taratgan ajdodlarimiz hayotining asosini tashkil etgan iqtisodiyot va tijoratga oid boy bilim, tajriba turini tanlar. Ko'plab ilmiy va badiiy manbalar sharq, shu jumladan, o'zbek xalqining turmush tarzi xaqida ma'lumotlar beruvchi tarixiy, falsafiy adabiyotlar bunga misol bo'ladi. Xalollik, poklik, birovning haqiga hiyonat etmaslik odamiylik, odobiylilik bo'lib, odamni inson sifatida yuksak darajada e'zozlaydi, ulug'laydi.

Maktabgacha ta`lim muassasalari tarbiyachisining ahloqiy sifatlari tatqiqot natijalarida muxim o'rinni egallashi mumkin Ishtimoiy yondashuv esa tarbiyachidagi ijtimoiy o'ziga hoslikni belgilab beradi. Faylasuflar fikrlariga ko'ra tarbiyachi - keng ma`noda - inson individi, kishi tor ma`noda ruxiy jihatlari taraqqiy etgan, o'z hislatlari bilan boshqalardan farq qiladigan muayyan jamiyat a`zosi. Bugungi kunda tarbiyaning eng oliv maqsadi barkamol shaxsni shakllantiradi. Maktabgacha ta`lim pedagogikasi fanlarini nazariy manbalar bilan boyitishga hizmat qiladi. Ta`lim jarayonida yangi pedagogik talablar, ya`ni pedagogik texnologiyalarni qo'llashning samaradorligi, ularidan foydalanishga oid pedagogik talablar, ya`ni pedagogik tamoyillarni ishlab chiqishni xamda amalga tatbiq etishni taqozo etadi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Sh.M.Mirziyoyev "Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi". T; 2016 y.
2. Sh.M.Mirziyoyev "Taqnidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak". T; 2017 y.
3. Bolalarni tarbiyalashda oila, mahalla, mакtab hamkorligi konsepsiysi. – Toshkent: Rahbar, 1998. –15 b.
4. Uzbekiston Respublikasida ilk va maktabgacha yoshdagи bolalar rivojlanishiga qo'yiladigan Davlat talablari. Toshkent – 2018.
5. Камилова Г.А, Курбанова Г.Р, Джаббарова С.З.

## МУНДАРИЖА

№	Муаллиф (лар)	Мавзу	Бет
1	<i>O.X.Хамидов</i>	Мактабгача таълим тизимини ривожлантириш-мамлакатимиз таълим тараққиётининг пойдевори	3
2	<i>Қ.Т.Олимов, З.А.Уматалиев</i>	Мактабгача таълим сифатини ошириш асосий йўналишлари	7
3	<i>Р.Г.Сафарова</i>	6-7 ёшли болаларда китобга муҳаббат ҳиссини тарбиялаш	10
4	<i>Қ.Р.Тўхсанов</i>	Мактабгача таълим соҳасида педагоглар касбий компетентлиги	14
5	<i>Гулшода Каримова</i>	Мактабгача таълим тизимининг сифат ва самарадорлигини оширишда янгича ёндашув	19

### **1-: ШУЬБА : МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

Муаллиф (лар)	Мавзу	Бет
<b>Г.Қ.Ҳасанова</b>	Жаҳон мактабгача таълим ривожида Монтессори педагогикасининг аҳамияти	23
<b>С.С.Авезов</b>	ББолалар нутқини ўстиришда коммуникатив мулоқот ўйни	27
<b>М.М.Нигматова</b>	Мактабгача таълимда компетенциявий ёндашувлар	30

<b>М.Т.Акрамова</b>	Мактабгача таълим-жамият тараққиётининг пойдевори	36
<b>Н.О.Сафарова</b>	Мактабгача ёшдаги болаларни мусиқа воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш педагогик муаммо сифатида	41
<b>З.Б.Жалилов, С.Рахмонова, Н.Азимова.</b>	Мактабгача таълимда жисмоний тарбияни шакллантириш методлари	44
<b>Н.Н.Ҳамроева</b>	Атроф-олам билан танишириш машғулотларида мактабгача ёшдаги болаларда оилага нисбатан муносабатни тарбиялаш	49
<b>М.Б.Шарипова, С. Жалолова</b>	Мактабгача таълим тизимида миллий эпик достонларимизни ўргатиш орқали ёш авлоднинг руҳий ва маънавий дунёсини бойитиши	52
<b>Д.Эшова, Ш. Ибрагимова</b>	Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижодий қобилияtlарини ўйин орқали ривожлантириш	56
<b>Г.Эргашова, М.Шавкатова</b>	Maktabgacha ta'lim sohasida pedagoglar kasbiy kompetentligi va bolalarni maktab ta'limiga tayyorlash.	60
<b>Д.Мирзаева, В.Нуриддинова, Н.Турсунова</b>	Особенности становления и развития педагогов дошкольного образования в современных условиях	64
<b>Г.Қурбонова</b>	Мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама тарбиялашда замонавий ёндашувлар	68
<b>Г.Атаева</b>	Стратегии обучения : современные подходы к детям младшего возраста	73
<b>Ш.Хайдарова</b>	Мактабгача ёшдаги болаларни катталар меҳнати билан танширишда халқаро тажрибадаорадан фойдаланиш	77
<b>М.Сатторов, С.Тураев</b>	Таълим тизимида инновацион ёндашув.	80

**2-Шульба: Давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил қилиш ва бошқарув тизимларини такомиллаштириш**

<b>Муаллиф(лар )</b>	<b>МАВЗУ</b>	<b>Бет</b>
<b>Г.Ҳасанова, З.Ашуррова</b>	Жаҳон мактабгача таълим ривожида WALDORF концепциясининг аҳамияти	85
<b>М.Нигматова, Э.Курбонова</b>	Развития творческих способностей детей на занятиях изобразительной деятельности	88
<b>Г.Камилова, Н Насимова, Н Жабборова</b>	Мактабгача таълим ташкилотларида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш	95
<b>З.Жалилов, У.Жумаев</b>	Мактабгача таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишда педагогик жараённинг ўзига хослиги	99
<b>Г.Умарова, Н.Бегматова</b>	Математик тасаввурларни шакллантириша компььютерли машғулотларнинг диалог методидан фойдалаинш имкониятлари	110
<b>Д.Эшова</b>	Саҳналаштириш фаолияти жараёнида болаларда ижодий фаолликни шакллантириш	115

## **QAYDLAR UCHUN**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА  
КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВЛАР :  
ИСТИҚБОЛЛАР, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР**

*(Республика масофавий илмий-амалий  
анжумани)*

Адрес нашриёт